




ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН — ЯНГИ ИМКОНиятлар ҳудуди: СТРАТЕГИК ТАШАББУСЛАР, ЖАДАЛ СУРЪАТ ВА ЮКСАК САМАРА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 18 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикасига ташриф буюрди.



Давлатимиз раҳбари сафарни хайрли амал — атоқли давлат ва жамоат арбоби Калибек Камаловнинг хонадонига ташриф буюриш билан бошлади. Қўрьон тиловат қилиниб, марҳумнинг ҳаққига дуои фотиҳа қилинди.

Президентимиз марҳумнинг ибратли ҳаёт йўли, эзгу ишлари ва эл-юрт равнақи йўлидаги хизматларини ёдга олди. Ўтганлар хотирасига эҳтиром кўрсатиш, катталарни эъзолаш ёш авлод учун ибрат эканини таъкидлади.

Жорий йил февраль ойда вафот этган Калибек Камалов кўп йиллар Қорақалпоғистонда раҳбарлик лавозимларида фаолият юритган. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, саноат ва қишлоқ хўжалигини равиқ топтириш, аҳоли турмушини яхшилашга катта ҳисса қўшди. Кейинги йилларда нуронийлар жамоатчилик кенгаши раиси сифатида кексаларни қўллаб-қувватлаш, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва ёшлар тарбиясида фаол иштирок этди. Хизматлари “Шуҳрат” медали ва “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланган.

Ана шундай фидойи, меҳнаткаш, бағрикенг ва ватанпарвар инсонлар юрти — Қорақалпоғистон мамлакатимизнинг том маънодаги ўсиш ва ривожланиш тимсолига айланиб бормоқда. Ўтган йиллар давомида Оролбўйидаги экологик муаммога ечим топилди. Бугун илк қадалган ниҳолларни кўриб кўзингиз қувнайди. Илдири эрга маҳкам ўрнашган яшил олам қорақалпоғистонликлар орзуи, ишончи ва қувончи каби осмонга бўй чўзмоқда.

Бу бежиз эмас, албатта. Худудга қаратилган эътибор, берилган имтиёзлар

сабаб тадбиркорлик фаолияти кенгайди. Соҳада қўшимча қиймат яратиш тажрибаси пайдо бўлди. Хорижлик инвесторлар Қорақалпоғистонга сармоя кирита бошлади. Мухими одамлар кайфияти, ҳаётга қараши ўзгарди. Жамиятда тадбиркорлик руҳи пайдо бўлди. Ислохотлар самарасини ҳудуднинг ҳар бир нуқтаси — олис овуллардан тортиб, Нукус шаҳридаги барча жабҳадаги кескин ўсиш жараёнида кўришимиз мумкин.

Кегейли туманидаги “ADM Agro” корхонасининг саноатлашган интенсив боғи ҳам юқоридаги фикрлар тасдиғи бўла олади. Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари корхонада йўлга қўйилган замонавий аграр тажриба билан танишди.

Умумий майдони 330 гектар бўлган боғни кўриб кўзингиз қувнайди. Бир пайтлар пахта экилиб, айтарлик ҳосил олинмаган ерда ниҳоллар баравж илдиз отган. Худуддаги шўрланиш сабаб бу ерда чўлга хос дарахтларни кўришга ўрганиб қолганмиз. Бошқа турдаги яшиллик, айниқса, мевали дарахтлар ҳақида гап кетганида эса, бу ерда ўсмайди деган қараш бор эди. Шу каби қарашлар сабаб ҳудуд аҳолиси йиллар давомида ўзига муносиб иш топа олмагани ҳам рост. Янги боғ бу борадаги масалага ҳам яхши ечим беради. Ҳозирнинг ўзида боғ сабаб маҳаллий аҳолининг 100 нафари доимий ишли бўлди.

Олтимиш тўққиз гектарга экилган 250 минг туп қора олхўри ана шу қарашларни йўққа чиқарди. Қора олхўрининг АҚШда селекция қилинган ушбу нави шўр ерга чидамли экани билан ажралиб туради. Айни пайтда ҳосилдорлиги билан ҳам ажралиб туради. Масалан, у экилган атиги 2 йил ўтиб ҳосилга киради. Меваси йирик ва данаги

осон ажралгани учун қайта ишлашда жуда қулай, бозорбоп. Мухими, бир туп дарахт 50-60 килограммгача ҳосил беради.

Ишонч энг катта бойлик. У жамиятнинг ҳаракатга келтирадиган кучнинг юраги. Юртимизда тадбиркорликка берилган эътибор сабаб йирик корхоналар сони йилдан йилга кўпайиб, уларнинг фаолият тури ҳам кенгайиб бормоқда. Жиззах вилоятида автомобиль ишлаб чиқараётган “ADM Group” компанияси ҳам фаолиятини кенгайтирмоқда. Хусусан, Оролбўйида интенсив боғдорчиликни ривожлантириш лойиҳаси учун 55 миллиард сўм йўналтирилди.

Боғнинг ҳосилдорлиги фақат қора олхўри мевасига боғланиб қолгани йўқ, қатор ораларига помидор экилган. Бу эса экин майдонининг ҳар бир гектаридан ўртача 40-45 тонна ҳосил олиш имконияти демак. Айни тажриба маҳаллий аҳоли орасида бир парча ердан самарали фойдаланишни кенг тарғиб этишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негаки боғни келиб кўрган кишининг кўнгилдан, қилса бўлар экан-ку деган ўй ўтади. Боғдаги замонавий тажриба эса кам сув сарфи билан ҳам катта даромад топишни ўргатади. Яъни боғда ёпиқ дренаж ва томчилатиб сугориш тизимлари жорий этилган. Мана шу тизимнинг ўзи сувни 60 фоизгача тежаб беради.

Минерал ўғит билан бойитилган сув тўғридан тўғри илдизга боргани боис, дарахт фойдали элементларни 90 фоизгача ўзлаштиради. Барқарор намлик хирмон чўғига барака қўшади.

Ташриф чоғида иқлимнинг инжиқликларига қарамай, шундай замонавий боғ яратилгани тадбиркорларимизнинг жасорати ва

янгиҳа фикрлаётганидан далолат экани қайд этилди. Мевани шу ернинг ўзида қуришти ва қайта ишлаш усуналари ўрнатилгани маҳсулот қийматини бир неча баробарга ошираётгани таъкидланди.

Кегейлидаги мажкур муваффақиятли тажриба бутун Қорақалпоғистон бўйлаб кенгайтирилади. Интенсив боғлар майдонини 10 минг гектарга етказиб, 40 мингта доимий ва мавсумий иш ўринларини яратиш кўзда тутилган. Маррани бундай катта олишга тўла асос бор. Аввало, тажриба ўзини оқлайди. Қўшимча қиймат яратиш орқали самарадорлик ошади. Мухими, тайёр маҳсулотларга харидор ҳам бор. Хусусан, Хитой, Корея ва Россия давлатлари билан манфаатли шартномалар имзоланган.

Шу ерда давлатимиз раҳбари фермерлар билан мулоқот қилди. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни алоҳида қайд этиб, Қорақалпоғистон тараққиётига қаратилаётган доимий эътибор учун миннатдорлик билдирди.

Ташрифнинг навбатдаги манзили “Кегейли барака насли парранда” корхонаси бўлди.

Юқори ишлаб чиқариш қувватига эга корхона туман иқтисодиётига катта ҳисса қўшмоқда. У давлат бюджетига 4,8 миллиард сўм тушум келтиряпти. Ҳозир 130 минг товуқ парвариш қилинаётган корхона 200 минг товуқ боқиш имкониятига эга. Мажмуада йилга 27,5 миллион дона инкубацион тухум етиштирилади. Улар товуқ ва 1 кунлик жўжа ҳолида сотувга чиқарилади. Бу жиҳатларнинг барчаси ўз ўрнида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Аввал Оролбўйига товуқ ва тухум маҳсулотлари мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан олиб келинарди. Тадбиркорликка берилган эътибор сабаб Қорақалпоғистонда ана бир муҳим йўналиш ривож топди. Бугун корхона ҳудуд эҳтиёжини қондириб, маҳсулотни хорижга ҳам экспорт қилмоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойига қадар Афғонистонга 1,1 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Йил якунигача бу кўрсаткич 1,5 миллион долларга етказилади.

Яна бир муҳим жиҳат. Товуқларни сифатли озуқа билан таъминлаш учун суткасига 100 тонна ем ишлаб чиқариш қувватига эга завод қурилган.

Президентимизнинг 2024 йил 28 июндаги паррандачилик соҳасини қўллаб-қувватлашга доир қарори асосида ташкил этилган лойиҳанинг умумий қиймати 7,8 миллион доллар. 21 гектардаги корхона ишга тушиши билан 70 нафар маҳаллий аҳоли доимий иш ўрнига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари ушбу корхона фаолияти билан танишди. Кегейлида шундай замонавий мажмуа барпо этилгани яхши натижа экани қайд этилди. Бундай лойиҳалар нафақат маҳсулотлари таннари, балки ҳудуднинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим эканига эътибор қаратилди.

Жорий йил якунига қадар яна 8,5 гектарда қиймати 5 миллион долларлик янги фабрикани ишга тушириш режа қилинган. Бу ҳам янги иш ўринлари ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилади.

Президентимиз бундай мажмуалар келгусида йирик паррандачилик холдингларига айланиб, нафақат янги, балки юқори маошли

иш ўринларини яратишга хизмат қилиши кераклигини қайд этди, мутасаддиларга бу борада тегишли кўрсатмалар берди.

Бугун аҳоли бандлигини таъминлаш, ишли аҳолининг даромадини янада ошириш устувор вазифа ҳисобланади. Бу борада мамлакатимиз етакчиси барча имкониятларини яратиб, тизимли ишларни ташкил этиб берган. Қорақалпоғистонда ҳам бугун бу борада ислохотлар олиб бориляпти. Ташрифнинг галдаги манзилида айнан шу масалага эътибор қаратилди.

Президентимиз Кегейли туманида ташкил этилган иссиқхона мажмуаси фаолияти билан танишди.

Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг ташаббуси билан ташкил этилган мажмуага 12,5 миллиард сўм имтиёзли маблағ ажратилиб, 5 гектарда замонавий енгил типдаги иссиқхона барпо этилди. Дастлаб Ижтимоий реестрда турган 50 та оила танлаб олинди, уларнинг ҳар бирига 10 сотихдан иссиқхона майдони ажратиб берилди.

Албатта, иссиқхонани беришнинг ўзи билан иш юришиб кетмайди. Шу боис, аниқ режа асосида ташкил этилган комплексга бириктирилган лидер тадбиркор 2 йил давомида оилаларга иш ўргатади. Улар шу ернинг ўзида ўқиб, билим ва тажрибага эга бўлади. Мухими, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини лидер тадбиркор бозор нархида сотиб олади. Иш ўрганиб бўлган оилаларга томорқасида иссиқхона ташкил этиб, тадбиркорликни бошлашига қўмак берилади.

Давоми 2-бетда



Муносабат

ТЕХНОЛОГИЯ, САРМОЯ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ УЙҒУНЛИГИ

Бир неча ўн йил аввал далада меҳнат қилаётган оддий фермер учун сунъий интеллект, робототехника ёки микрочиллар дунёси узоқ ва бегона тушунчалар эди. Унинг асосий ташвиши ер, сув, уруғлик ва ҳосил билан боғлиқ бўлган. Бугун фермер телефонидаги биргина дастур об-ҳавони таҳлил қилиб, сув сарфини ҳисоблайди ва экинни қачон сугориш кераклигини тавсия қилади. Завод муҳандиси компьютер орқали бутун ишлаб чиқариш жараёнини назорат қила олади. Талаба дунёнинг бошқа бурчагидаги университет курсларини уйда туриб ўзлаштиради. Шифокор сунъий интеллект ёрдамида тиббий тасвирларда инсон кўзи илганмайдиган белгиларни аниқлаши мумкин.

Давоми 4-бетда

ЁШЛИК ШАҲАРЧАСИ


олий таълим трансформациясининг амалий модели

Олий таълимдаги ўзгаришларни фақат янги бинолар, замонавий лабораториялар ёки талабалар сони ортиши билан баҳолаб бўлмайди. Яъни бугун университет билим бериш билан чекланмайди. Талабани мустақил фикрлайдиган, тадқиқот қиладиган, янги гоя яратадиган, уни амалиётга татбиқ этадиган ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган мутахассис сифатида шакллантириш учун яхлит муҳит яратиш зарур.

Шу йил 11 сентябрда Президентимизнинг Олмазор туманига ташрифи ана шу ёндашувнинг амалий кўринишини намоён этди. Бинобарин, “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида рақамли бошқарув ва хавфсизлик тизими, янги муҳандислик университети, “Startup Navigator” офиси, олий таълим тарихи музейи, талабалар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳамда келгусидаги инновацион кластер учун яратилаётган муҳит бир-биридан

алоҳида лойиҳалар эмас. Уларни ягона мақсад, яъни талабанинг таълим олиши, изланиши, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши ва жамиятга керакли мутахассис бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган экоти-ни сифатида кўриш зарур. Бу жиҳатдан Олмазор туманидаги тажриба олий таълим тизимини ривожлантиришнинг янги босқичи учун муҳим аҳамиятга эга.

Давоми 3-бетда



Ислохот одимлари



Давлатимиз раҳбарининг муҳим минераллар соҳасидаги таклифлари иқтисодий занжирларни шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистоннинг минерал-хомашё базаси камида 3 триллион долларга баҳоланмоқда.



2026 йил 19 сентябрь, 194-сон



ТЕХНОЛОГИЯ, САРМОЯ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ УЙҒУНЛИГИ

Бошланиши 1-бетда

Дунё ўзгаришти. Бу ўзгариш энди фақат йирик лабораториялар ёки технологик компанияларда кечаётган жараён эмас. У фермер даласига, завод цехига, университет аудиториясига, шифохонага, оддий инсоннинг кундалик ҳаётига кириб келмоқда. Шунинг учун бугун мамлакатлар ўртасидаги рақобат мазмунини ҳам ўзгарди. Ер остида қанча бойлик борлиги муҳим, албатта, ammo ундан ҳам муҳим жиҳат бу — бойликдан қанча қўшилган қиймат яратиб олиши, қанча янги технологияни ўзлаштириш, қанча муҳандис, дастурчи, тадқиқотчи ва малакали ишчи тайёрлаш, сармоя мамлакатга кириб келганидан кейин ундан қанча янги билим ва ишлаб чиқариш салоҳияти ҳосил қила олишидир.

Сеулда бўлиб ўтган биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитига ана шу кенг нигоҳ билан қараш мумкин. Зеро, бу учрашувда гап фақат бугунги савдо ёки инвестиция ҳажми ҳақида бормасди. Масала анча кенг — келгуси ўн йилликларда Марказий Осиё ва Корея ўртасидаги ҳамкорлик қандай иқтисодий мазмун касб этиши, бу муносабатлар янги технологиялар, илм-фан ва инсон капитали билан қандай уйғунлашиши ҳақида бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг саммитда илгари сурган ташаббуслари ҳам шу нукта назардан алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз ҳамкорликни оддий савдо муносабатлари доирасидан кенгайтириб, уни узоқ муددатли тараққиёт стратегиясига айлантиришни таклиф этди. Бу стратегияда саноат кооперацияси, инвестиция, муҳим минераллар, сунъий интеллект, илм-фан, “яшил иқтисодиёт” ва инсон капиталига бир-биридан ажралмаган ягона тизим сифатида қаралмоқда.

Эртанги иқтисодиётни бугунги эҳтиёжлар билан қуриб бўлмайди. Бугун талаб юқори касб эртага ўзгариши мумкин. Бугунги технология бир неча йилдан кейин эскириши эҳтимол. Энергетика, сув, иқлим ва меҳнат бозоридagi ўзгаришлар эса мамлакатлардан узоқни кўзлаган қарорларни талаб қилмоқда. Шу боис, Президентимиз “Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” номли узоқ муددатли концептуал қарашни ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Ушбу таклифнинг аҳамиятини оддий бир мисолда ҳам кўриш мумкин. Агар бугун бир корхонага замонавий ускуна олиб келинса, ишлаб чиқариш ҳажми ортиши мумкин. Ammo ускуна билан бирга уни бошқарадиган, дастурлайдиган, таъмирлайдиган ва кейинчалик янада тақомиллаштирадиган мутахассислар тайёрланмаса, технологиянинг имконияти тўлиқ ишга тушмайди. Демак, замонавий иқтисодиётда завод ва университет, лаборатория ва корхона, сармоя ва билим бир-биридан узилиб қолса, тараққиёт занжирини узилиш пайдо бўлади.

Марказий Осиё бу занжирнинг муҳим бўлини бўлиш учун улкан имкониятларга эга. Бугун минтақада 80 миллиондан зиёд киши яшайди. Ялпи ички маҳсулот ҳажми 500 миллиард доллардан ошган, иқтисодий ўсиш суръати 6 фоиздан юқори даражада сақланмоқда. Рақамлар ортда катта бозор, меҳнат ресурслари, энергетика ва минерал бойликлар, транспорт имкониятлари билан бир қаторда ёш ва ҳаракатчан авлоднинг улкан салоҳияти турибди.

Корея Республикасида эса бошқа бир муҳим капитал — технологик ва инновацион тажриба жамланган. Қисқа тарихий даврда бу мамлакат саноатлаштиришдан юқори технологияли ишлаб чиқаришгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди. Шунинг учун Корея тажрибаси Марказий Осиё учун тайёр қолп эмас, балки ресурс технологияга, технологияни маҳсулотга, маҳсулотни эса глобал рақобатбардошликка айлантириш бўйича ўзинга хос тажриба мактабидир.

Энди тасаввур қилайлик: Марказий Осиёнинг минерал ресурслари, энергетика имкониятлари ва катта бозори Кореянинг технологияси, капитали ва илмий салоҳияти билан туташса, қандай натижа пайдо бўлиши мумкин? Масалан, ер қазидан олинган мис шунчаки хомашё сифатида экспорт қилинмай, мамлакатнинг ўзида қайта ишланиб, электротехника маҳсулотига айланса, унинг



атрофида янги корхоналар вужудга келади. У корхоналарга муҳандислар, технологлар, дизайнерлар, логистлар керак бўлади. Яна янги таълим дастурлари шаклланади. Шу тариха битта коннинг иқтисодий аҳамияти бир неча баробар кенгайди.

Давлатимиз раҳбарининг муҳим минераллар соҳасидаги таклифлари айнан шундай иқтисодий занжирларни шакллантиришга қаратилган. Ўзбекистоннинг



“Сеулда бўлиб ўтган биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитига ҳам ана шу кенг нигоҳ билан қараш мумкин. Зеро, бу учрашувда гап фақат бугунги савдо ёки инвестиция ҳажми ҳақида бормасди. Масала анча кенг — келгуси ўн йилликларда Марказий Осиё ва Корея ўртасидаги ҳамкорлик қандай иқтисодий мазмун касб этиши, бу муносабатлар янги технологиялар, илм-фан ва инсон капитали билан қандай уйғунлашиши ҳақида бўлди.

минерал-хомашё базаси камида 3 триллион долларга баҳоланмоқда. Яқин йилларда муҳим минераллар соҳасида умумий қийматга 4 миллиард доллардан ортиқ бўлган 120 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Президентимиз Марказий Осиёнинг ресурс базасини Кореянинг моливий ва технологик имкониятлари билан бирлаштириш, асосий эътиборни хомашёни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган

қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратишни таклиф қилди.

Бу мақсадда минтақавий инвестициявий альянс ташкил этиш ташаббуси ҳам илгари сурилди. Унинг моҳияти геология-қидирувдан тортиб, қазиб олиш, қайта ишлаш ва тайёр юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган жараёни ягона саноат занжирига бириктиришдан иборат. Бундай ёндашув ресурсга эмас, ресурс атрофида яратиладиган қийматга уруғ беради.

Шу мантиқда Ўзбекистонда “Марказий Осиё — Корея” саноат-технология паркни ташкил этиш таклифи ҳам катта амалий мазмун касб этади. Парк ҳудудидида автокомпонентлар, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва кимё саноати бўйича қўшма ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин. Энг муҳими, бундай парк фақат заводлар жалд-лашадиган ҳудуд бўлиб қолмаслиги керак. Атрофида лабораториялар, муҳандислик марказлари, таълим дастурлари ва тадқиқот лойиҳалари шаклланса, саноат майдони аста-секин технология экотизимига айланади.

Технологияни ўзлаштиришнинг моҳияти ҳам шунда. Бирор ускунани сотиб олиш осон. Унинг ишлаш таъйинлини тушуниш, маҳаллий шaroитга мослаштириш, янги маҳсулот яратиш ва кейинги авлод технологиясини ишлаб чиқиш учун эса билим ва тажриба керак. Шу боис, ҳар бир инвестиция лойиҳасининг натижасини фақат қанча доллар сарфлангани ёки қанча маҳсулот ишлаб чиқарилиши билан ўлчаш етарли эмас. У қанча янги мутахассис тайёрлагани, нечта маҳаллий корхонани қиймат занжирига жалд этгани ва қанча янги технологияни иқтисодиётга олиб киргани ҳам муҳим.

Масала, айниқса, сунъий интеллект соҳасида яққол кўринади. Бир неча йил олдин сунъий интеллект ҳақида асосан АТ мутахассислари гапирар эди. Бугун эса у завод бошқарувидан тиббий диагностикага, қишлоқ ҳўжалигидан транспортгача бўлган соҳаларга кириб бормоқда. Саммитда сунъий интеллект беш йил давомида ҳар бир мамлакат иқтисодиётида камида 10 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиши мумкинлиги қайд этилди.

Кораклонишда сунъий интеллект дата марказлари учун кенг имтиёزلарга эга хаб ташкил этилгани ва Корея компанияларини ушбу йўналишга инвестиция киритишга жалд этиш таклиф қилингани ҳам бежиз эмас. Чунки рақамли иқтисодиётнинг келажиги фақат серверлар сони билан белгиланмайди. Уларни ишга туширадиган, маълумотларни таҳлил қиладиган, дастурлар яратадиган ва технологияни реал муаммоларга татбиқ этадиган мутахассислар керак.

Бир фермер учун сунъий интеллектнинг қиймати унинг мураккаб алгоритмида эмас, сувни тежашга ёрдам берганида намоён бўлади. Завод учун технологиянинг аҳамияти қатта ҳажмдаги маълумотларни

қайта ишлашдан кўра, сифатсиз маҳсулотни қамайтиришда кўринади. Шифокор учун технологиянинг аҳамияти янги дастурнинг номи билан эмас, бемордаги касалликни эртарақ аниқлаш имконияти билан ўлчанади. Демак, технология инсон ҳаёти ва ишлаб чиқаришдаги аниқ вазифаларни ҳал қилгандагина ҳақиқий иқтисодий кучга айланади.

Шу ерда инсон капитали масаласи табиий равишда биринчи ўринга чиқади. Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Бу — минтақанин улкан имконияти. Буёқ ёшлар қатлами ўзидан ўзи иқтисодий устунликка айланмайди.

Кореянинг технологиялари билан Марказий Осиёнинг “яшил” инвестицияларга эҳтиёжини бириктириш энергияни сақлаш тизимлари, қайта тикланувчи энергия, энергетика тармоқларини модернизация қилиш ва кам углеродли технологияларни кенгайтириш учун янги имкониятлар очилиши мумкин. Бу жараёнда ҳам асосий масала технологияни олиб келиш билан тутамайди. Уни маҳаллийлаштириш, мутахассислар тайёрлаш ва маҳаллий ишлаб чиқариш билан боғлаш зарур.

Саммитда илгари сурилган яна бир муҳим мақсад — 2030 йилга бориб, Марказий Осиё мамлакатларининг Корея билан савдо айлан-



Бунинг учун билим, касб, технология ва муносив бандлик имконияти керак.

Шу боис, Президентимиз “бюрогта — ўқитиш — бандлик” тамойили асосида инсон капиталини ривожлантириш бўйича узоқ муددатли ҳамкорликни шакллантиришни таклиф этди. Бу ерда гап таълимнинг ўзи билан чекланмайди, бугун бир занжир ҳақида боради: аввал иқтисодиётга қандай мутахассислар кераклиги аниқланади, кейин шу эҳтиёж асосида кадрлар тайёрланади ва якунда уларнинг меҳнат бозорига ўз ўрнини топиши таъминланади.

Корея компаниялари, университетлари ва илмий марказларини Марказий Осиё билан яқинлаштириш, ёшларни Корея лабораториялари ва илгир корхоналарида стажировкадан ўтказиш бўйича таклифлар шу мақсадга хизмат қилади. Чунки ёш мутахассис учун баъзан бир йиллик амалий тажриба бир неча йиллик назарий билимдан ҳам катта мактаб бўлиши мумкин. У замонавий ускунани кўради, ишлаб чиқариш маданиятини ўрганади, жамоада ишлашни ўзлаштиради ва қайтиб келгач, бу тажрибани ўз корхонасига олиб қиради.

Илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани кучайтириш ҳам худди шу занжирнинг давомидир. Нурафшон шаҳридаги Келажак технологиялари маркази негизида яримўтказкичлар, саноат микроэлектроникаси ва янги материалларни лойиҳалаш ҳамда синовдан ўтказиш бўйича қўшма марказ ташкил этилаётгани келажак технологияларига тайёргарлик нуқтан назаридан муҳим. Бундай марказлар лабораторияда туғилган ғояни ишлаб чиқаришга олиб чиқадиған кўприк вазифасини бажаради.

Фармацевтика ва биотехнологияда ҳам каттаимконият бор. Ўзбекистондадори-дармон ва тиббий ёбумлари бозори ҳажми 3 миллиард долларга етган. Бозорнинг ўзиёқ тадқиқот, клиник синов ва ишлаб чиқаришни бириктирган замонавий биофармацевтика кластерини ривожлантириш учун муҳим асос бўла олади. Мақсад тайёр маҳсулотни ишлаб чиқариш билан чекланмай, янги препарат, янги технология ва интеллектуал мулк яратишга қодир муҳитни шакллантиришдир.

Тараққиётнинг бугунги кун тартибиди “яшил иқтисодиёт” ҳам алоҳида ўрин эгалламақда. Иқлим ўзгариши, сув ресурсларига босим, энергияга талабнинг ортиши ва ҳаво сифати билан боғлиқ муаммолар минтақаларни умумий ечимлар излашга ундамоқда. Давлатимиз раҳбари Марказий Осиё ва Корея ўртасида иқлим ва углерод ҳамкорлиги форматини йўлга қўйишни таклиф этгани ҳам шу эҳтиёждан келиб чиқади.

масини 20 миллиард долларга етказиш. Бунинг учун бозорлар ўртасидаги масофани қисқартириш, сертификатлаш тартибларини соддалаштириш, стандартларни уйғунлаштириш, логистика ва ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш талаб этилади.

Шу маънода, саноат ва савдо ваэрилари учрашувлари платформасини ташкил этиш ташаббуси муҳим амалий механизм сифатида намоён бўлади. Катта иқтисодий мақсадлар доимий мулоқот ва аниқ мувофиқлаштиришни талаб қилади. Хомашё бир мамлакатда, ишлаб чиқариш бошқа ҳудудда, технология эса учинчи томонда бўлиши мумкин. Улар ўртасидаги алоқани самарали ташкил этиш минтақавий иқтисодий занжирларнинг рақобатбардошлигини белгилайди.

Ўзбекистоннинг мазкур жараёндаги ўрни ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Давлатимиз раҳбари Корея ва Марказий Осиё компанияларининг илмий-тадқиқот бўлинмалари ҳамда лабораторияларини мамлакатимизда жойлаштириш учун шaroит яратишга тайёр эканини билдирди. Бундай ёндашув Ўзбекистоннинг инвестиция учун қулай майдон сифатидаги мавқени технология ва илм-фан маркази сифатидаги янги имконият билан бойитилади.

Корея билан ҳамкорлигининг яна бир муҳим устуни — инсонлар ўртасидаги яқинлик. Халқларимиз учун катта авлодга ҳурмат, ҳалол меҳнатни қадрлаш, оила ва Ватанга садоқат каби қадриятлар муштарак. Марказий Осиёда яшаётган корейс диспoраси икки ҳудуд ўртасидаги тарихий ва инсоний алоқаларнинг ўзига хос кўприги вазифасини бажариб келмоқда. Маънавий яқинлик иқтисодий ва технологик ҳамкорлик учун мустаҳкам ижтимоий замин яратган.

Аслида, Сеулда илгари сурилган ташаббусларнинг барчасини бириктириб турган битта катта ғоя бор ва У Марказий Осиёнинг салоҳиятини келажак иқтисодиётининг имкониятларига айлантириш ғосидир. Бунинг учун ресурс мавжуд. Уни технология билан бойитиш керак. Сармояни янги ишлаб чиқариш ва билимга айлантириш лозим. Ёшларга келажак касбларини бериш даркор. Илмий салоҳиятни лабораториядан заводга олиб чиқиш керак.

Шунда ҳамкорлигининг самараси фақат рақамларда кўринмайди. У янги корхоналар, замонавий лабораториялар, ўз соҳасини чуқур билидиган муҳандислар, дунё бозорига чиқадиған маҳсулотлар, технология яратётган ёшларда намоён бўлади.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Жорий йил 18 августда Президентимизнинг тадбиркорлар билан ўтказган очиқ мулоқотида ислохотларнинг янги босқичи белгилан берилди. Жумладан, энди янги тадбиркорлар учун “Бизнес старт”, ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар учун “Бизнес лифт”, янги ўсиш босқичига қадам қўяётганлар учун “Бизнес юксалиш” дастурлари жорий қилинди. Шу асосда экспортчиқарув ташқи бозорга чиқишнинг барча босқичларида кўмак берувчи “Экспорт навигатори” тизими босқичма-босқич йўлга қўйилмоқда.



“Бизнес старт” тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш маъносини англатади. “Бизнес лифт” эса бизнесни нолдан бошлаб, уни босқичма-босқич ривожлантиришга ёрдам берадиган дастур. У лифт сингари тадбиркорни бир босқичдан кейинги босқичга олиб чиқишни таъминлашни назарда туттади.

“Бизнес юксалиш” мавжуд бизнесни янада кенгайтириб, янги ўсиш босқичига ўтмоқчи бўлганлар учун хизмат қилади.

Шундай имкониятлар сабабли ташаббуслар аниқ натижага айланмоқда. Хусусан,

Сурхондарё вилоятида 2026 йилнинг январь-июль ойларида аҳолини даромадли меҳнат билан банд қилиш бўйича белгиланган 206 мингта режа амалда 394 мингтага бажарилди. Жорий йилнинг 7 ойида 44,8 минг фуқаро доимий иш ўрни билан таъминланди. Аҳоли даромадини ошириш қамрови 301 мингтага етказилди. Натижада жорий йилнинг биринчи ярмида ишсизлик даражаси 4,6 фоизга туширилди. Шу даврда 34,7 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес субъектига 3,4 триллион сўм кредит ажратилиб, 70,6 минг фуқаронинг барқарор даромад манбаи яратилди.

Мазкур сазй-ҳаракатлар натижасини Шўрчи туманида тадбиркорларга яратилаётган шaroитлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, шўрчилик Тожинор Эшонқулова маиший хизмат кўрсатиш йўналишида тадбиркорлик фаолиятини анча йиллар аввал бошлаган эди. Илк қадамлар, албатта, осон кечмади. Ammo йиллар давомида тўпланган тажриба ва муҳими, тадбиркорлар учун яратилаётган қулай муҳит унинг фаолиятини янги босқичга олиб чиқди.



Хозир Тожинор Эшонқулова бизнесини изчил кенгайтириб, 50 дан ортиқ инсон учун иш ўрни яратган. Яқинда у туманда яна бир савдо нуқтасини очди. Шу орқали яна 5 хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

— Аввал мустақил ҳолда тадбиркорликни бошлашдан кўрқардик. Сабаби, асосли-асоссиз текширишлар ҳолдан тойдирарди. Хозир

ҳаммаси шаффоф. Давлат идоралари бизга кўмакчи. Билганингизни қўлаб-қувватлайди, билмаганингизни ўргатади. Хозир фаолиятини кенгайтиришдан сира кўрқмайман. Чунки ишонч бор, — дейди тадбиркор Тожинор Эшонқулова.

Шўрчи туманининг Наврўз маҳалласида фаолият юритаётган тадбиркор Анвар Саидов

имкониятлардан самарали фойдаланаётган ишбилармон. У 40 турдаги мебель маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

— 2023 йилда 2 миллиард сўм имтиёзли кредит ҳисобига замонавий ускуналар олиб келгандик. Натижада ишлаб чиқариш қуввати ошди, — дейди Анвар Саидов. — Шу йиллар давомида маҳсулот турларини кўпайтирдик. Натижада корхонамиз фаолияти юқори босқичга чиқиб, бозор талабига мос, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш имкониятимиз ошди.

Мебелсозликда яхши иқтисодий самара бор. Чунки хомашё тайёр маҳсулотга айлантириш орқали қўшимча қиймат яратди. Маҳсулот тури кўпайишни эса савдо ҳажми ва даромад манбаларини диверсификациялаш имконини беради.

Шўрчи туманида хорижий тадбиркорлар иштирокидаги корхоналар сони ортиб бормоқда. Улардан бири афғонистонлик ишбилармонлар томонидан очилган ун заводидир. Корхона фаолиятини бошлаган кезларда кунига 60 тонна ун чиқариш қувватига эга эди. Хозир бу ҳажм икки баробар ошди.

— Корхонамиз учун бугдойни Шўрчи тумани ва унга яқин ҳудудлардаги фермер ҳамда ҳўжаликлардан сотиб оламиз. Бу дегани, фаолиятимиз орқали маҳаллий қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, савдо ва ишлаб чиқариш ўртасида ўзаро иқтисодий боғлиқлик бор. Муҳими, биз каби хорижлик тадбиркорларнинг юртингизда ўз бизнесини йўлга қўйиш четдан келадиган



инвесторлар учун яратилган ишончли, барқароқ кредит ажратиш эмас, балки унинг дастлабки қадамидан токи фаолиятини кенгайтириб, йирик ишбилармонга айланишгача кўмак беришга қаратилган. Банклар кредит портфелида кичик бизнес улушининг 45 фоиздан 63 фоизга ошгани, жорий йилнинг биринчи ярмида кичик ва ўрта бизнестга 76,5 триллион сўм ресурс ажратилгани ҳам мазкур йўналишдаги эътибор кўламини кўрсатади. Демак, бу каби кичик ишлаб чиқаришлар келгусида янги қувватлар, маҳсулотлар ва янада кўпроқ иш ўринларига асос бўлади.

Сарвар ТўРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Ойбек ОСТОНОВ,
тарих фанлари доктори,
доцент

Бир оилада одатда бир вақтнинг ўзида уч авлод яшайди: бобо, ота ва набира. Учаласи ҳам бир мамлакатда, бир тилда, бир байроқ остида умр кечиради. Лекин уларга “Мустақиллик сенга нимани англатади?” деган битта савол берилса, жавоблар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Мана шу фарқнинг ўзи 35 йиллик йўлнинг энг қисқа, аммо энг аниқ тавсифи.

35 йил инсон умри учун катта давр. Давлат тарихи учун эса жуда қисқа масофа. Лекин бир халқнинг тақдирида бу масофа бутун бир бўрилиш нуқтасига айланиши мумкин. Савол одатда шундай қўйилади: мустақиллик бизга нима берди? Бу тўғри, лекин ярим савол. Унга параллел яна бир савол қўйилиши керак: мустақиллик биздан нимани талаб қилди ва бутун нимани талаб қилмоқда? Президентимизнинг мамлакатимиз мустақиллигининг 35 йиллигини нишонлашга бағишланган қароридеда уруғ энди аниқ келажакка кўчирилган. Унда бу масофа “яқунланган йўл” эмас, “давом этаётган жараёнинг бир нуқтаси” сифатида тилга олинган. Тил ўзгариши тасодикий эмас. У шунини кўрсатадики, давлатнинг ўзи ҳам мустақиллигини статик ҳолат эмас, ҳар қуни қайта қўлга киритиладиган жараён сифатида қабул қилмоқда.

Имкониятдан натижагача

Ўттиз беш йиллик йўлни уч мантиқий bosқичга ажратиш мумкин. Биринчи bosқичда, тахминан 1991-2016 йилларда асосий вазифа давлатчиликнинг таъни устуниларини қуриш эди: миллий пул-кредит тизими, суд-ҳуқуқ тизими, чегара ва бош хизмат, дипломатик корпус. Бу пойдевор даври.

Иккинчи bosқич — 2017-2021 йилларда иқтисодиётнинг, валюта бозорининг эркинлашуви, тадбиркорлик учун тўсиқларнинг қисқариши ва ташқи сиёсатнинг очирилиши рўй берди. Бу очишлишнинг миқдорий изини қўшничилик савдосида кўриш мумкин. Расмий маълумотларга кўра, 2016 йилда Марказий Осиё давлатлари Ўзбекистоннинг умумий ташқи савдосида атғи ўндан бир қисми — 10,2 фоизни ташкил этган бўлса, беш йил ўтиб бу кўрсаткич 15,1 фоизга кўтарилди. Бир қарашда икки фоиз банддан беш фоиз бандгача бўлган фарқ аризмас туюлиши мумкин. Лекин савдо ҳажми ўлчовида бу ярим баробарга яқин ўсишини аниқлашди. Яъни қўшничилик энди фақат дипломатик учрашувлар мавзуси эмас, тадбиркорнинг ҳисоб-китобидаги кирувчи омилга айланган.

Учинчиси, бугунги bosқич 2022-2026 йиллар ва ўндан кейинги давр. Чунки натижа энди бино қуриш ёки қонун қабул қилиш билан эмас, миллионлаб инсоннинг билими ва меҳнати билан ўлчанади. Расмий маълумотларга кўра, 2025 йилда мамлакат иқтисодиёти тарихда биринчи марта 145 миллиард доллардан ошди. Ваҳоланки, 2024 йилда 115 миллиард доллар эди. ЯИМ ўсиши 7,7 фоизни ташкил этди. 2026 йилнинг биринчи чорагида эса ўсиш суръати 8,5 фоизгача тезлашди. Лекин рақамлар ортда нима туради? Айнан шу саволга жавоб бериш учун “имконият” ва “салоҳият” тушунчалари орасидаги фарқни очиб керак.

Назарий формула

Имконият бу ҳали рўёбга чиқмаган куч, потенциал. У ўз-ўзидан натижага айланимайди: имконият, институтлар, билим, технология ва меҳнат бирикми салоҳиятга айланади. Ёш аҳоли — имконият. Сифатли таълим уни салоҳиятга айлантирувчи

механизм. Технология унумдорликни оширувчи восита. Институтлар эса натижадан бутун жамиятга масштаблаштирувчи муҳит.

Бунини бир мисолда кўриш мумкин. Икки хўжалик бир хил ер майдонида, бир хил сув ресурсида эга бўлиши мумкин бу — имконият. Аммо улардан бири замонавий агротехнологияни ўзлаштиради, иккинчиси эски усулда қолса, натижа тубдан фарқли бўлади. Фарқ ресурсда эмас, уни қандай ишлатишда.

Бирок бу формуланинг қаршн томони ҳам бор. 2025 йилда мамлакат экспорти 23 фоиз ошиб, 33,4 миллиард долларга етди. Аҳолий натижа. Лекин шу экспортнинг қарийб 30 фоизи, тахминан 9,9 миллиард доллар олтин ҳиссасига тўғри келди. Табиий бойлик бу ҳам имконият, лекин у ҳали тўлиқ технологияни заنجир орқали қайта ишланган, юқори қўшилган қийматли маҳсулотга айланимаган. Демак, имконият ҳамма жойда бир хил тезликда салоҳиятга айланаётгани йўқ. Бу борада мамлакат ҳали йўлнинг ярмида турибди.

Мана шу умумий формулани беш турдаги — инсон, иқтисодий, интеллектуал-технологик, энергия-сув, ижтимоий-миллий капитал орқали синаб кўриш мумкин. Биринчиси, энг муҳими, чунки қолган тўрттаси унга боғлиқ.

Рақам ортидаги тақдирлар

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил бошида Ўзбекистон аҳолиси 39 миллион нафардан ошди, ўртача ёш эса 29,5 ёшга етди. Бу жажон ўртача кўрсаткичи (30,9 ёшдан паст, яъни мамлакат демографик жиҳатдан жажон бўйича нисбатан ёш ҳисобланади. Шу манбага кўра, ҳар тўртинчи фуқаро 14-30 ёш оралиғида.

Бу ерда оддий фоиз кўрсаткичи ортда кўп қатламли масала яширинган. Демография ўзи на яхши, на ёмон. У нейтрал омил, унинг ижобий ёки салбий натижага айланиши тўлиқ равишда қандай институционал жавоб берилишига боғлиқ. Хитой, Жанубий Корея каби мамлакатлар XX асрининг иккинчи ярмида худди шундай “ёшлар тўлкини” дан фойдаланиб, иқтисодий сакрашга эришган. Бу “демографик дивиденд” дейилади. Аммо тарих бошқа мисолларни ҳам билади: агар ёшларга иш ўрни ва истиқбол берилмаса, худди шу демографик куч ижтимоий бекарорлик омилга айланиши мумкин. Демак, тўққиз ярим миллион ёш натижа эмас, у фақат саволнинг қўйилиши: биз бу салоҳиятни қайси сценарий бўйича ишлатамиз?

Айнан шу дилеммага жавоб сифатида жорий йилда “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси тасдиқланди. Унда ҳар йили 600 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш, 2030 йилга қадар 900 минг ёшнинг волонтерлик ҳаракатига жалб этиш, ўқув марказлари сонини 90 мингга етказиш, 450 минг нафар ёшнинг хорижий тилини Б2 даражасида эгаллаши каби аниқ ўлчанадиган вазифалар белгиланган. Ушбу ҳужжатнинг ўзинга хос жиҳати, унда ниятлар эмас, назорат қилиш мумкин бўлган мезонлар қайд этилган. Беш йилдан кейин бу рақамлар бажарилган ёки бажарилмаганини аниқ текшириш мумкин бўлади.

Туман марказидаги оддий мактабни туғатган йигит ёки қиз онлайн курслар орқали дастурулашни ўрганиб, хорижий компания учун масофадан туриб иш қилиши, ойлик даромаддан эса ота-онаси бир умр орттирган даромаддан кўп бўлиши бир неча йил олдин истисно эди, бугун тенденцияга айланмоқда. Аммо бу имконият ҳали ҳамма учун баробар эмас. Пойтахт билан узоқ туман ўртасидаги рақамли ва таълим тенгсизлиги ҳамон сезиларли.

Таълим тизимининг негизида содир бўлаётган ўзгаришни бир қиссда кўриш мумкин. Беш йил олдин — 2021/2022 ўқув йилида мамлакат олий таълим тизимида 808 мингта яқин ёш таҳсил олган бўлса, бугунги кунда бу сон 1,5 миллиондан ошган. Амалда деярли икки баробар кўпайди. Бунга ўхшаш динамика мактабгача таълимда ҳам кузатилади. Қамров даражаси 27 фоиздан 72 фоизга кўтарилди. Муассасалар сони эса беш мингдан 30 мингга етди. Бу иккита рақамни бирга ўқиш керак: агар бутунги 3-4 ёшли бола эртага мактабга, ўндан кейин олий таълимга кириш эҳтимоли ортган бўлса, демак, “пойдевор” билан “натижа” ўртасидаги заنجир аста-секин тўлиқ ишлаб бошлаган. Бошқача айтганда, бу “имконият” деб аталадиган абстракция эмас, аниқ вақт оралиғида ўлчаб бўладиган институционал натижа.



Ресурсдан қўшилган қийматга

XXI асрда иқтисодий мустақиллик фақат табиий ресурсга эгалик қилиш эмас, балки уни технология, билим ва молия орқали юқори қўшилган қийматга айлантира олаш қобилияти ҳам. Хом пахта тоннаси билан ўндан тикилган тайёр кийим-кечак партиясининг бозор қиймати орасидаги фарқ бу шунчаки рақам эмас, балки бир хил хомашёдан неча баробар кўп даромад ва иш ўрни яратиш имкониятининг ўлчови.

2025 йилда мамлакатда жалб қилинган тўғридан тўғри хорижий инвестициялар 43,1 миллиард долларни ташкил этди. Бу ЯИМнинг 31,9 фоизига тенг. Олтин-валюта захиралари эса тарихда биринчи марта 60 миллиард доллардан ошди. Шу давр ичида камбағаллик 8,9 фоиздан 5,8 фоизгача қисқарди, ишсизлик эса 5,5 фоиздан 4,8-4,9 фоизгача тушди.

Бу тўрт рақамни ёнма-ён қўйиб кўрайлик. Инвестиция ҳажми ошган, захира кўпайган, камбағаллик камайган, ишсизлик пасайган — тўрттаси ҳам бир йўналишга ишора қилади. Лекин шу ўринда бир савол туғилади: бу тасодиғи ёки заنجирми? Иқтисодий назария бунга аниқ жавоб беради: инвестиция янги иш ўрни яратади, иш ўрни даромадни оширади, ошган даромад эса камбағаллик чегарасидан чиқарувчи асосий восита ҳисобланади. Демак, бу тўрт рақам тўрт алоҳида ютуқ эмас, битта иқтисодий заنجирнинг тўрт бўғини. Расмий ҳисоботларга кўра, бир йил ичида 300 мингдан ортиқ оила камбағаллик чегарасидан чиққани заنجирнинг охириги, энг муҳим натижаси.

Аммо бир жиҳатни ҳам кўрсатиш ўттиш керак. Юқорида айтилганидек, экспортнинг қарийб 30 фоизи олтин. Бу ерда икки хил ҳалоса чиқариш мумкин ва бир уларнинг қуйиси бирини танлашда. Биринчиси, юзакни хулоса: “олтин қиммат, демак, яхши”. Иккинчиси, чуқурроқ хулоса: агар даромаднинг учдан бир қисми битта металнинг жажон биржасидаги нархига боғлиқ бўлса, бу мамлакат ўз қўлида бўлмаган омилга қарамлик дегани. Олтин нархи эртага пасайса, бу рақам ҳам бошқача бўлади. Ваҳоланки, технология ёки таълим орқали яратилган қиймат бунчалик тебранишга учрамайди. Айнан шу фарқ “имконият” (ер остидаги захира) билан “салоҳият” (уни барқарор даромадга айлантирувчи тизим) орасидаги масофанинг амалий кўриниши.

Агар олтин ердан олинадиган, тақроланмайдиган бойлик бўлса, дастурий маҳсулот инсон миёсига яратиладиган, чекланмаган бойлик. Иккинсининг нархи ҳам ўзгариши мумкин. Лекин фарқ шундаки, биттаси туғилди, иккинчиси эса кўпаяверади. Шу билан бирга, ижобий тенденция ҳам бор. 2026 йилнинг биринчи ярми йиллигида олтинсиз экспорт 32,2 фоиз ошиб, 14,4 миллиард долларга етди. Демак, диверсификация жараёни бошланган, лекин у ҳали олтиннинг ўзи каби тезликда ўсмаяпти. Диверсификациянинг ягона узоқ муддатли йўли — технология.

“Мустақиллик бир марта қўлга киритиладиган ҳуқуқ эмас. У ҳар бир авлод ўз билими, меҳнати ва масъулияти билан қайта-қайта мустаҳкамлаб борадиган жараён. Ва бугун ёш мутахассис, тадбиркор, ўқитувчи, дехқон, олим, ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро шу жараёнинг шунчаки томошабини эмас, иштирокчиси. Келгуси 35 йил узоқдаги келажакда эмас, бугун, ҳозир бошланади.”

Истеъмолчидан яратувчига

XIX-XX асрларда саноат қуввати ва табиий ресурслар иқтисодий мустақилликнинг асосий омилли бўлган, бугун эса бу рўйхатга маълумот, алгоритм ва сунъий интеллект қўшилди. Юқорида айтилган “туғайдиган бойлик ва туғаймайдиган бойлик” фарқини эслайлик. Ўзбекистон 2030 йилга қадар АТ хизматлари ва дастурий маҳсулотлар экспортини 5 миллиард долларгача етказишни мақсад қилган. Бу соҳа атғи доклар-ўн йил олдин йиллик бир миллион долларлик экспортини ҳам ташкил этмаганди. Бошқача айтганда, давлат икки турдаги экспортини ердан олинадиган ва миёдан яратиладиганини параллел равишда ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда, лекин уларнинг ўсиш суръати ҳали тенг эмас.

Технологик жиҳатдан мустақил бўлмаган давлат сиёсий мустақиллигини узоқ муддатда қай даражада таъминлай олади? Бу саволнинг жавоби икки хил сценарийга боғлиқ. Агар мамлакат фақат тайёр дастурий маҳсулотни истеъмол қилса, бу янги шаклдаги қарамлик. Агар ўз мутахассисини тайёрлаб, ўз маҳсулотини яратса бу — янги шаклдаги мустақиллик.

Бу борада хорижда таҳсил олиб, ватанга қайтган мутахассисларнинг роли алоҳида аҳамиятга эга. Йигирма йил олдин хорижий университетни туғатган ёш мутахассис учун Ўзбекистонга қайтиш кўпинча иқтисодий жиҳатдан оқланмас эди. На лаборатория, на замонавий иш муҳити бор. Бугун бу манзара аста-секин ўзгармоқда. 2026 йилда мамлакатнинг тўрт шахрида дата-марказлар, иккита суперкомпьютер ва ўн беш олийгоҳда сунъий интеллект лабораторияси ишга туширилди ёки туширилмоқда. Бу хорижда

тажриба орттирган мутахассис учун ватанида ишлашни истисно эмас, оқилана танловга айлантирувчи инфратузилма. БМТнинг электрон ҳукумат индексида дунёнинг етакчи 30 давлати қаторига киришни мақсад қилиш ҳам шу йўналишнинг давоми. Бу рақамларгина эмас, давлат хизматларининг фуқаро учун қўлайлиги ва шаффофлигининг ўлчови.

Аниқ стратегик устунлар

Мустақилликнинг классик тушунчасида энергетика ва сув масаласи фон вазифасини бажариб келган бўлса, бугун улар марказий масалага айланимоқда. Расмий маълумотларга кўра, қайта тикланувчи манбалар орқали электр ишлаб чиқариш сўнгги йилларда 25 баробар кўпайган. Бу тенденция давом этса, ўн йил ичида мамлакат энергия балансининг ярмидан қўпи, тахминан 54-60 фоизи айнан қуёш ва шамолдан таъминланиши мумкин. Бу рақамни бошқа бир далил билан қислаш ўринли: сўнгги беш йилда соҳага 19 миллиард доллардан ортиқ хусусий инвестиция кирган. Демак, гап давлат субсидиясида эмас, тижорат капиталининг ўзи бу йўналишнинг рентабелли деб топган. Бу эса энергетик ислохотнинг барқарорлигидан дарак беради. Субсидия туғатиш билан тўхтайдиган лойиҳа эмас, ўз-ўзини оқлайдиган тармоқ шаклланимоқда.

Жорий йил апрелида қабул қилинган тегишли фармонда, жумладан, отир тоифадаги маҳаллаларда кичик қувватдаги қуёш станцияларини ўрнатиш алоҳида кўзда тутилган. Энергетик сиёсат энг бой ҳудуддан эмас, энг эҳтиёжманд маҳаллалардан бошланмоқда. Яъни “ашиш” ислохот бир вақтнинг ўзида ижтимоий адолат воситасига ҳам айлантирилмоқда.

Худди шундай минтақавий сув-энергетика ҳамкорлиги ҳам жадаллашмоқда. Жорий йил июнида Тошкент, Бишкек ва Остона вакиллари ёғи мавсумда сув ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича келишиб олди. Шу йилнинг бошида эса Жажон банки Марказий Осиёда минтақавий электр бозорини яратишга қаратилган йирик дастурни маъқуллади. Сув хавфсизлигида миллий хавфсизлиқнинг ажралмас қисми сифатида қараш эндиликда эҳтиёткорлик эмас, зарурат. Марказий Осиёда сув тақчиллиги ва иқлим ўзгариши келгусида нафақат экологик, балки тўғридан тўғри озиқ-овқат ва иқтисодий хавфсизлик масаласига айланиши эҳтимоли катта.

Табиий ресурсларни бошқариш ёлғиз амалга ошмайди. У қўшничилик сифатида боғлиқ. Минтақа биргалликда ўйламоса, ҳеч бир алоҳида давлат ўз сув хавфсизлигини узоқ муддатда таъминлай олмайд.

Ўзлик ва очик дунё

Мустақиллик фақат иқтисод ва технология билан чекланмайди. Ёш авлоднинг дунёқарашини бугун икки кўтба

шаклланимоқда: миллий қадриятларга садоқат ва хорижий тилга, замонавий билимга очиклик. Глобал дунёга очик бўлган ҳолда миллий ўзлигини қандай сақлаш мумкин? Жавоб бу икки жиҳатни зид кўтблар деб эмас, бир-бирини тўлдирувчи хусусиятлар сифатида қараш. Ўзлигини йўқотмаган, аммо дунё билан эркин мулоқот қила оладиган авлодгина мамлакатни ҳақиқий рақобатбардош қила олади.

Ҳақиқий мустақиллик изоляция эмас, ўз миллий манфатларини ҳимоя қилган ҳолда очик ва фаол ҳамкорлик қилиш қобилияти. Сўнгги икки йилдаги Марказий Осиё — Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё — Россия ва шунга ўхшаш саммитлар, минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳат учрашувлари, шунингдек, қўшни давлатлар билан уч томонлама музокаралар — булар барчаси кўп йўналишли, баланслаштирилган ташқи сиёсатнинг амалий кўриниши. Шу қаторда Ўзбекистон 2026 йилда Жажон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини якунлашга содиқлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу изоляция эмас, қондага асосланган халқаро тизимга интеграция йўли.

“Ўзбекистон — 2030”: заنجирнинг якуни

2023 йилда имзоланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мана шу заминга қурилган: у беш устувор йўналиш бўйича юзга яқин мақсадни қамраб олади. Қизғини шундаки, агар бу беш йўналишни синчиқлаб кўрсак, улар юқорида таҳлил қилинган беш капитал турига деярли тўғри келади: иқтисодий ўсиш мақсади иқтисодий капиталга, таълим-тиббиёт мақсади инсон капиталига, экология энергия-сув хавфсизлигига, адолатли давлат ижтимоий капиталга, хавфсизлик қадролати эса миллий-маданий ва геосиёсий барқарорликка мос келади. Бу тасодиғ эмас: расмий стратегия ҳам, ушбу мақолада қўлланилган таҳлилий модель ҳам бир хил амалий ҳақиқатдан — мамлакат тараққиёти беш йўналишда бир вақтда ҳаракатланиши кераклигидан келиб чиқади. Ва айнан шу боғлиқлик заنجирни ҳосил қилади: сифатли таълимсиз рақобатбардош иқтисодиёт, барқарор иқтисодиётсиз ижтимоий соҳага сарф-харажат, ишовчи институтларсиз эса инвестиция ҳам, тинчлик ҳам мустаҳкам бўлмайди.

2040 йилда Ўзбекистон қандай бўлиши керак?

Бу саволга бир жумла билан жавоб бериш қийин, лекин йўналишни белгилаш мумкин. Демография, технология, иқтисодиёт ва энергетикадаги ҳозирги тенденцияларга асосланиб айтиш лозимки, 2040 йилга келиб Ўзбекистон хомашё эмас, билим ва технология экспорт қиладиган, ёшлари четга кетиш эмас, четдан қайтиш йўлини танлайдиган, сув ва энергияни тежаб ишлатадиган, давлат хизматлари тўлиқ рақамлашган мамлакатга айланиши керак. Расмий фискал прогнозларга кўра, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот кейинги уч-тўрт йил ичида сезиларли ўсиш, энергетикада қайта тикланувчи манбалар улуши 2035 йилга бориб 60 фоиздан ошishi кутулимоқда. Айрим демографик прогнозларда эса аҳоли сони 2050 йилга бориб анча ортishi тахмин қилинмоқда. Бу ҳали расмий мақсад эмас, экспертлар баҳоси, лекин у ҳам масъулиятни оширувчи омил. Кўпроқ аҳоли, кўпроқ иш ўрни, кўпроқ таълим сизими, кўпроқ инфратузилма талаб этади.

2040 йилги Ўзбекистон бугун белгиланадиган тизимлар, бугун тарбияланадиган кадрлар ва бугун қабул қилинадиган қарорлар натижасида шаклланиши. Шу маънода, 2040 йил узоқдаги орзу эмас, бугунги ишнинг давоми.

Хулоса

Мустақилликнинг 35 йиллиги ўтган йўлга қўйилган нуқта эмас, келажак олдидаги масъулиятни англаш нуқтасидир. Юқорида эслатилган қарорда бу масъулият аниқ ифодаланган: 35 йиллик мустақиллик “Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!” деган ғоғ остида нишонланмоқда. Бу шир шунчаки байрам номи эмас, келгуси йиллар учун йўналиш кўрсатуви ғоғ.

Бунини бир оила мисолида ҳам кўриш мумкин. Минглаб оилаларга хос умумлаштирилган бир сюжет орқали. Бобо 1991 йилда, эски тизим кулаб, янги эҳали шаклланимаган пайтда оила бошига эди. Унинг учун мустақиллик, аввало, номаълумлик ва қайта қуриш синови эди. Ота 2000-йилларда воёга етди. У учун мустақиллик аллақачон табиий муҳит, лекин имконият доираси ҳали тор эди. Набира эса бугун мактаб партисидеда ўтирибди. Унинг учун мустақиллик муҳоқима қилинмайдиган ҳақиқат. Унинг қўлида на совет даврининг оғирлиги, на 1990-йиллар танглигининг хотираси йўқ. Уч авлод уш хил савол: бобо учун “қандай омон қолиш?”, ота учун “қандай ўрнашмиш?”, набира учун эса “қандай рақобатбардош бўлиш”.

Мана шу учинчи авлод — набиралар авлоди эртага мамлакатнинг тақдирини белгилайди. Уларнинг қўлида имконият кўп: демография ҳам, табиий бойлик ҳам, география қўрин ҳам, тарихий мерос ҳам — барчаси ҳамон қўлимизда. Аммо имконият ўз-ўзидан натижа эмаслигини биз аллақачон кўрдик. У билим ва меҳнат орқали салоҳиятга айланади ёки эътиборсиз қолдирилиб, аста-секин сўнади. Орқали ҳолат йўқ.

Шу боис, якуний хулоса содда: мустақиллик бир марта қўлга киритиладиган ҳуқуқ эмас. У ҳар бир авлод ўз билими, меҳнати ва масъулияти билан қайта-қайта мустаҳкамлаб борадиган жараён. Ва бугун ёш мутахассис, тадбиркор, ўқитувчи, дехқон, олим, ким бўлишидан қатъи назар, ҳар бир фуқаро шу жараёнинг шунчаки томошабини эмас, иштирокчиси. Келгуси 35 йил узоқдаги келажакда эмас, бугун, ҳозир бошланади.



Нурли манзиллар

Карвон деганда кўз олдимизга ўзи билан юк ва хабарлар олиб, уларни манзилига етказиш истагида узок йўлга отланган йўловчи жамоа келади. Бизнинг “Маърифат карвони”миз ҳам йўлга тушди, бироқ унинг юки бошқача. Унинг юки — китоблар, ғоялар, фикр, савол ва мулоҳазалар ҳамда шукроналик. Манзили эса вилоят марказларигина эмас, балки туман, маҳалла, ташкилот, таълим муассасалари ҳамда энг асосийси, одамлар қалбидир.



Бахтиёр ҲУСАНОВ,
“Маърифат” тарғиботчилар
жамияти раиси,
педагогика фанлари бўйича
фалсафа доктори

Шу маънода, Республика Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ташкил этилган “Маърифат карвони”ни оддий тарғибот тадбирлари сисиласи деб қараб бўлмайди. Бу фикрни жойларга олиб бориш, уни муҳокама қилиш, одамларнинг саволларига жавоб излаш, энг муҳими, ислохотлар мазмун-моҳиятини ҳаётий мисоллар билан аниқлаштиришга қаратилган маърифий ҳаракатдир.

Бугун одамларга баландпарвоз гап эмас, ишончли далил керак. Қуруқ шиор эмас, ҳаётий мисол керак. Бир томонлама маъруза эмас, очик мулоқот қизиқ. Шунинг учун биз бу сафарни, аввало, ўзимиздан бошладик.

Аввало, тақдидлаш лозимки, тарғиботчи шунчаки нотиқ эмас.

Президентимизнинг мустақиллигимизнинг 35 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи ўтган ўттиз беш йиллик тараққиёт йўлини сарҳисоб қилиш билан бирга олдимизда турган янги вазифаларни ҳам аниқ белгилаб берди. Нутқда инсон қадри, эркинлик, иқтисодий тараққиёт, таълим, тиббиёт, ёшлар, илм-фан, сунъий интеллект ва интеллектуал салоҳият каби ўзаро bogʻliq улкан масалалар бир бутун тараққиёт манзараси сифатида намоён бўлди.

“Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари орасидан энг муносиб олимлар, профессор-ўқитувчилар, ижодкорлар, маънавият ва маърифат соҳаси вакиллари, етук салоҳиятли зиёлилар сараланди. Зеро, тарғиботчи, аввало, ўзи ишонган нарсасигагина бошқаларни ишонтира олади. Биз тарғиботчининг минбарга чиқиб гапирадиган инсон эмас, жамият билан мулоқот қиладиган зиёли сифатида кўраимиз. Унинг вазифаси тайёр жавобни айтишигина эмас. У саволни эшитиши ҳам керак. Баъзан эса одамнинг битта саволи бутун бир маърузадан тасвирлироқ бўлади.

“Маърифат карвони”нинг бугунги фаолиятини уч босқичли жараён сифатида кўриш мумкин. Биринчи босқич — республика миқёсидаги тайёргарлик. Аввало, “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг олимлардан иборат аъзолари иштирокida семинар ташкил этилди. Президентимиз нутқининг асосий ғоялари, унда келтирилган рақамлар, ислохотларнинг фалсафаси ва натижаларини қандай талқин этиш масалалари муҳокама қилинди. Кейин бу иш вазирлик ва идоралар, ҳудудлар кесимида давом эттирилди. Яъни биз “Нима дейиш керак?”

Биз карвон билан фақат сўз олиб бормаймиз. Биз мулоқот олиб борамиз. Фикр олиб борамиз. Ишонч олиб борамиз. Энг муҳими, инсонга унинг мамлакат тараққиётидаги ўрни ва масъулиятини ҳис эттиришга ҳаракат қиламиз.



МАЪРИФАТ КАРВОНИ

Ватанпарварлик тафаккуримизда юксалади

деган савол билан чекланмадик. “Қандай қилиб инсон шуурига етказиш керак?” деган саволни ҳам ўртага қўйдик.

Иккинчи босқич ҳудудларга чиқишдан иборат эди. Вилоятларда “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари учун семинар-тренинглар ўтказилди. Республикадан борган олимлар, зиёлилар ва мутахассислар тажрибаларини маҳаллий тарғиботчилар билан ўртоқлашди.

Энг муҳими, бу ерда тайёр матнни кўчириб олишга эмас, фикрлаш, далил келтириш ва мулоқот қилиш маҳоратига эътибор қаратилди.

Учинчиси эса, менимча, энг муҳим босқичдир. Чунки энди ҳудудларда сараланган, тайёрланган тарғиботчиларнинг ўзи туманлар, шаҳарлар, ташкилотлар, таълим муассасалари ва жамоаларга чиқиб, учрашувлар, суҳбатлар, очик мулоқотлар ўтказди.

Бир карвон минглаб мулоқотларга айланади. Бу жараённинг кучли томони ҳам шунда. Ҳозирга қадар водий вилоятлари — Андижон, Фарғона, Наманган, шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Навоий, Бухоро каби ҳудудларда маърифий семинар ва учрашувлар ташкил этилди. Турли ҳудудларда турлича характер, турли муаммо ва эҳтиёжлар мавжуд. Аммо битта умумий нуқта бор: бу — инсон.

Президентимиз нутқидаги “инсон қадри” ғояси айнан шу ерда ўзининг ҳақиқий мазмунини очади. Чунки Тошкентда айтилган рақам Фарғонада бир оиланинг



баъзан бутун бир оиланинг имконияти кенгайди.

Андижондаги мактабгача таълим қамровининг йиллар давомида сезиларли ўсиши ҳақидаги маълумотлар ҳам шу ҳақиқатни кўрсатади. Наманганнинг Уйчи туманида эса 3-7 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражасининг 2016 йилдаги 32 фоиздан 2025 йилда 95,6 фоизга етгани каби рақамлар ислохотнинг ҳудуддаги аниқ ифодасини кўрсатади.

Бу рақамларнинг ҳар бири ортида инсон бор. Шунинг учун рақамлар биз учун мақсад эмас. Рақам инсон ҳаётидаги ўзгаришни кўрсатадиган мезон ҳисобланади. Инсон қадри эса шиор эмас, ўз ўлчовларига эга сисъатдир.

Президентимиз нутқидаги энг катта ғоялардан бири, менимча, шу: иқтисодий ўсишнинг ўзи тараққиётнинг охирига мақсади эмас. Иқтисодиёт инсон учун эканини, инвестиция янги имкониятлар яратишини, санаот иш ўринларини кўпайтиришини, таълим инсон капитали манбаи эканини, тиббиёт инсон умри ва саломатлигини таъминлашини, технологиялар эса инсон имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилишини яхши биламиз. Бир сўз билан айтганда, булар инсон қадри-нонани оширувчи тушунчалардир. Шу боис, “инсон қадри” тушунчаси ҳам мавҳум ибора бўлиб қолмайди. Демак, уни қайси-бир даражада ўлчаш мумкин.

Масалан, қанча одам ишли бўлгани, қанча оила камбағалликдан чиққани, қанча бола богчага қамраб олингани, қанча ёшларимиз ўзи истаган йўналишда олий таълим олаётгани, қанча хотин-қизларимиз Учинчи Ренессансинг янги қиёфаси бўлиб илм-фанга кириб келаётгани, қанча бемор ўз ҳудудида сифатли даволашни имконига эга бўлгани, қанча ёш ўз тадбиркорлигини йўлга қўйгани ва, энг муҳими, қанчаси эртанги кунига ишонч билан қараётгани... Буларнинг барчаси ислохотларнинг инсон ҳаётидаги ҳақиқий самарасини кўрсатади.

Таълимдаги рақамлар эса келажакка берилган жавоб. “Маърифат карвони” доирасидаги суҳбатларда таълим мавзусига алоҳида эътибор қаратишимизнинг сабаби ҳам шунда. Чунки таълимга сармоя бугуннинг эмас, эртаннинг натижасидир.

Биз қандай авлодни тарбиялаймиз? Фақат ёдлайдиган авлодими? Ёки фикрлайдиган, савол берадиган, изланадиган,

яратадиган авлодими? Бугун таълим фалсафасидаги асосий ўзгариш ҳам айнан шунда — ёдлашдан фикрлашга ўтишди.

Олий таълимда талабалар сони 1 миллион 600 минг нафарга етгани эса яна бир муҳим ҳақиқатни кўрсатади: олий маълумот энди тор доирадаги имтиёз эмас, кенг омма учун эришиш мумкин бўлган мақсадга айланмади.

Айниқса, талабалар орасида хотин-қизлар салмоғи юқорилиги биз учун шунчаки демографик кўрсаткич эмас. Билимли қиз — билимли оила. Билимли оила — билимли авлод, Билимли авлод — маърифатли жамият. Шу боис, қизларнинг илм-фан, АТ, муҳандислик ва аниқ фанларга кириб келиши жамиятнинг эртанги интеллектуал қиёфасига дахлдор масаладир.

Ўн миллион ёш эса ўн миллионга имконият дегани. Шу маънода, “Маърифат карвони”да ёшлар мавзуси алоҳида ўрин тутуши табиий. Чунки мамлакат келажаги ҳақида гапириб, ёшлар ҳақида гапирмаслик мумкин эмас.

10 миллион ёшни рақамли индустрия ва келажак касбларига олиб кириш вазифаси белгиланди. Мен бу рақамни фақат миқдор эмас, 10 миллион имконият сифатида қабул қиламан. Уларнинг ҳар бири — янги ғоя. Ҳар бири — янги касб. Ҳар бири — янги ихтиро. Ҳар бири Ўзбекистоннинг янги интеллектуал қудрати дегани.

“Ўзбек тили рақамли дунёда илм ва технология яратиладиган тил бўлиши лозим” деган ғоя эса бундан ҳам чуқурроқ маъно касб этади. Зеро, миллий тил фақат мулоқот воситаси эмас. У илм яратиладиган тилга айланса, миллиятнинг интеллектуал мустақиллиги мустақамланади. Шунинг учун бугун ўзбек тилида сифатли рақамли контент яратиш, илмий маълумотлар базасини кенгайтириш, замонавий технологиялар ва сунъий интеллект тизимларида миллий тил имкониятларини ошириш тилшуносингига эмас, олимнинг, дастурчининг, муҳандиснинг, ижодкорнинг ҳам вазифасидир.

“Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг бугунги фаолиятида мен учун энг муҳим жиҳатлардан бири олимнинг ўз кабинет ва аудиториясидан чиқиб, халқ билан юзма-юз мулоқотга киришадиганидир. Олим фақат мақола ёзадиган ёки маъруза қиладиган инсон эмас. Олим жамият олдидаги масъулиятини ҳис қилганида унинг илми ижтимоий кучга айланади.

Кучли ғояни кучли фикр эгаси тушунтира олади. Ҳудудларда ҳам тарғиботчиларни танлашда айнан шу мезонга амал қилдик. Чунки маърифатни оммалаштириш учун, аввало, маърифатли одамлар ҳаракати керак.



“Маърифат карвони” тадбирларидаги уч асосий йўналиш тасодифий танланмаган. Биринчиси — ислохотлар фалсафасидан иборат. Яъни биз нимани ўзгартяймиз эмас, нега ўзгартяймиз деган саволни ўртага қўйиб, эътиборни ечимга қаратдик.

Иккинчиси — диний-маърифий соҳадаги ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари. Бу йўналиш маърифат, бағрикентлик, миллий ва диний қадриятларни тўғри англаш, ёшларни турли ёт ғоялардан асраш каби муҳим вазифаларни қамраб олади.

Учинчиси — замонавий ёшлар, илм-фан ва инновациялар. Чунки келажак ҳақида гапириб, илм-фан ва ёшларни четда қолдириб бўлмайди.

Бундай уч йўналишдаги иш тажрибаси аввалги “Маърифат карвони” лойиҳаларида ҳам ўзини оқлаган эди. Масалан, 2024 йилда мамлакат ҳудудларида ўтказилган тадбирларда шу каби уч йўналишда мулоқотлар ташкил қилиниб, 68 минг 870 дан зиёд иштирокчи қамраб олинган. Бу тажриба бугунги маърифий ҳаракат учун муҳим мактаб ва вазифасини ўтпатти десам, муболага қилмаган бўламан.

Биз водийда бўлдик. Сурхондарёда, Қашқадарёда, Хоразмда, Қорақалпоғистонда, Самарқандда, Навоийда, Бухорода бўлдик. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хослиги бор. Бухорода тарих ва маърифат ҳақида гапирсангиз, одамнинг хотираси бошқача



уйғонади. Самарқандда илм-фан ва буюк аждодлар мероси ҳақида сўз очсангиз, тарих билан бугунги кун ўртасида ўзига хос кўприк пайдо бўлади. Водийда таълим, меҳнат, тадбиркорлик, ёшлар масалалари жонли мисоллар билан муҳокама қилинади. Қорақалпоғистонда тараққиёт, инсон қадри, экологик муаммолар базасини кенгайтириш, замонавий технологиялар ва сунъий интеллект тизимларида миллий тил имкониятларини ошириш тилшуносингига эмас, олимнинг, дастурчининг, муҳандиснинг, ижодкорнинг ҳам вазифасидир.

Демак, битта ғоя турли ҳудудларда турлича тилга қиради. Тарғиботчининг маҳорати ҳам ана шунда — бир хил матнни ҳамма жойда таққорлашда эмас, умуммиллий ғояни ҳар бир ҳудуднинг ҳаёти билан bogʻlay олишдадир. Биз бу нарсасига алоҳида эътибор қаратдик.

Маърифат аслида келажакка ишончнинг ҳам йўлидир. Бугун жамиятда ахборот жуда кўп. Телефонда бир кунда ўнлаб хабар ўқиймиз. Турли фикрларни эшитамиз. Турли талқинларга дуч келамиз. Шундай шароитда ҳаққоний, ишончли ва мазмунли мулоқотнинг аҳамияти янада ортади.

Инсоннинг кўзига қараб гапиришнинг ўрнини ҳеч қандай ижтимоий тармоқ босолмайди. Саволга юзма-юз жавоб беришнинг таъсири бошқача. Шу боис, “Маърифат карвони”нинг энг катта кучини унинг мулоқот маданиятида кўраман.

Биз одамларга “Хамма нарсаси яхши” деб ишонтириш учун бормаймиз. Биз ислохотларнинг натижаларини тушунтириш, мавжуд муаммолар ҳақида ҳам очик фикрлаш, саволларга жавоб излаш учун борамиз. Чунки ҳақиқий ишонч кўр-кўрона мақтовдан эмас, очиклик ва далилдан туғилади.

Ҳар бир рақамнинг ортида инсон борлигини унутмаслигимиз керак. Айтايлик, камбағалликнинг қисқариши бу оддий рақам эмас, балки оилалар тақдирини аниқлатади. Уй-жойлар эса шунчаки квадрат метрларни эмас, оиланинг хотиржамлигини кўрсатади. Худди шундай, таълим қамрови — фойз эмас, боланинг келажак имконияти, тиббиётдаги ютуқ — янги ускуна эмас, балки инсон умрининг ўлчови ва гаровидир. Ёшларга ажратилган маблағ ҳам бир йилгит ёки қизнинг орзусига берилган имкониятдир.

Ана шу нуқтада “инсон қадри” тушунчаси ўзининг ҳақиқий мазмунига эга бўлади. Энг муҳими, карвонимиз тўхтаб қолмайди. Карвон энди жойларда давом этади. Республика босқичи бу йўлнинг охири эмас, аксинча, энг муҳим босқич энди бошланмоқда. Вилоятларда тайёрланган тарғиботчилар туман ва шаҳарларга, ташкилотларга, маҳаллаларга чиқишни бошладилар. Улар ҳам аҳоли билан учрашмоқда, суҳбатлашмоқда, саволларга жавоб бермоқда. Одамлар билан фикрлашмоқда.

Ташаббуслар муҳокама қилинади. Муҳокамадан фикр туғилади. Фикрдан ишонч пайдо бўлади. Ишонч эса ҳаракатга

айланади. Менимча, маърифатнинг кучи айнан шунда.

Биз карвон билан фақат сўз олиб бормаймиз. Биз мулоқот олиб борамиз. Фикр олиб борамиз. Ишонч олиб борамиз. Энг муҳими, инсонга унинг мамлакат тараққиётидаги ўрни ва масъулиятини ҳис эттиришга ҳаракат қиламиз. Чунки янги Ўзбекистонни айнан билимли, фаол, дахлдор ва ишончли инсонлар барпо этади.

Тараққиёт фақат баланд бинолардан иборат эмас. У инсоннинг билимли, соғлом, эркин ва муносиб ҳаёт кечиришидир. Маърифат эса шу ҳақиқатларни англаш ва англатиш йўлидир. Шу боис, биз йўлдамиз. “Маърифат карвони” йўлда. Унинг энг узок манзили эса вилоятлар ёки туманлар эмас. Унинг энг катта манзили — инсон қалби. Чунки қалбда ишонч уйғонса, фикр ўзгаради. Фикр ўзгарса, муносабат ўзгаради. Муносабат ўзгарса, жамият ўзгаради. Жамият ўзгарса, Ватанинг эртанги кун янада фаровон бўлади.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қаблхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобдор.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2024 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-946.

29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусахҳих: Маллоҳат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Ўза яқини — 01:55 Топширилди — 02:30



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

